



БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, МУХТАРАМА ОНАЛАР, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 7 март, Чоршанба

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 45 (10.854)

Баҳоси эркин нарҳда

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Жиззахда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида»ги Қонуннинг вилоятда қандай бажарилаётгани ҳақидаги масала муҳокама этилди.
- Тошкент вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш ҳамда 8 Март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.
- «Бунёдкор» ёшлар телеклубида «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишлаб ўтказилган йиғилишда сўзлаган нутқи асосида ҳудудий телестанциялар томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури бўйича тайёрланган кўрсатувлар концепцияси» мавзусида семинар ўтказилди.
- Наманганда «Аскарлар оналарини шараф-лайимиз» номли тантанали тадбир ўтказилди. Турли шаҳар ва қишлоқлардан фарзандлари Ўзбекистон Куролли Қучлари сафида йигитлик бурчини ўтаётган 200 нафардан ортиқ аёл вилоят театрига Халқаро Хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувга таклиф этилди.
- Навоий Давлат қончилик институти ҳамда «Қамолот» ЕИХ Навоий вилоят Кенгаши ҳамкорлигида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб «Сен барибир муқаддасан, муқаддас аёл» мавзусида байрам тадбири ҳамда «Санамлар сарвари» кўрик-танлови ўтказилди.
- «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти уч босқичдан иборат «Экология ва саломатлик кунлари»ни ўтказиб келмоқда. Қуни кеча мазкур дастурнинг биринчи босқичи — Наврўз байрами ва Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланган умумреспублика экологик ҳашари бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

- Нью-Йоркда АҚШ ва Шимолий Корея делегациялари ўртасида Пхеньяннинг ядро дастури юзасидан кенг қўламли музокаралар бошланди. 2000 йилдан буён ҚХДР делегацияси биринчи марта Америкага ташриф буюрди.
- БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолари ва Германия Эронга нисбатан ишлаб чиқилган янги резолюция лойиҳасини муҳокама қилишга киришди. Мазкур лойиҳани Буюк Британия, Франция ва Германия давлатлари вакиллари муҳокамага тақдим этди.
- Гана пойтахти Аккра шаҳри марказида 20 мингдан ортиқ киши, 20 дан ортиқ давлатлар раҳбарлари, сиёсат, спорт, санъат соҳаси вакиллари, жумладан, БМТнинг собиқ бош қотиби Кофи Аннан ва футбол қироли Пеле иштирокида Африкада озодаликка юз тутган дастлабки давлат — Гана мустақиллигига 50 йил тўлишига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.
- Афғонистоннинг Гийлмент музофотида 4,5 минг нафар Британия ҳарбийларини ўз ичига олган НАТОнинг тинчликпарвар қучлари ҳамда Афғонистон армияси ҳамкорлигида ушбу ҳудудни эгаллаб турган Толибонларга қарши ҳарбий ҳаракатлар бошланди.
- Индонезиянинг Суматра ороли гарбий қисмида рўй берган Рихтер шкаласи бўйича 6,3 баллик қучли zilзила натижасида 70 киши ҳаётдан қў юмди, каттагина вайронгарчиликлар келиб чиқди. Ҳозирда Суматра оролида кутқарувчилар отрядлари, Қизил Ҳоч ва Яшил Ярим ой ташкилоти аъзолари фаолият кўрсатмоқда. Ер силкинишлари қўшни Малайзия ва Сингапур мамлакатларида ҳам қайд этилди.
- Германия Европа Иттифоқига раҳбар давлат сифатида Абхазияда қуни кеча ўтказилган парламент сайловларини тан олмаслигини билдирди. Баёнотда айтилишича, ЕИ Грузиянинг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилади ва қўллаб-қувватлайди.
- Кеча жаҳондаги дастлабки фазогир аёл Валентина Терешкованинг таваллуд топганига 70 йил тўлди.
- Швейцария пойтахти Женева шаҳрида жаҳонга машҳур автосалон-кўргазма ўзининг бошлари бошлади. Унда жаҳондаги энг йирик компаниялар, хусусан «Мазда», «Хонда», «Тойота», «Автоваз» ва бошқа компанияларнинг 80 дан ортиқ энг янги моделлари намойиш этилмоқда. Янги машиналарда асосан экологик хавфсизлик масалаларида катта эътибор берилмоқда.
- Буюк Британия ҳукумати Эфиопияда гаровга олинган ўз фуқароларини кутқариш учун Эритреяга махсус бўлима жўнатди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 8 март кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради. Ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 4-6, кундузи 17-19 даража илқ бўлади.

**ПОЙТАХТНИНГ
Бир кунни**
Янгиликлар, воқеалар

8 март — Халқаро хотин-қизлар кунни

**ЎЗБЕКИСТОН ВА
ТУРКМАНИСТОН
ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ
ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ
МУЛОҚОТИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов билан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухаммедовнинг 6 март куни телефон орқали сузлашуви бўлиб ўтди. Президентлар икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, Марказий Осиё минтақасидаги вазият юзасидан фикр алмашди, мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги қарашлар муштарак эканлигини таъкидладилар.

(ЎЗА)

**РОССИЯ ҲУКУМАТИ
РАИСИ ТОШКЕНТГА
КЕЛДИ**

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТИ
РАИСИ МИХАИЛ ФРАДКОВ 6 МАРТ
КУНИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН
ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ.

Ташрифининг асосий воқеалари 7 март куни бўлиб ўтди. Юқори мартабали меҳмоннинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ва Бош вазир Шавкат Мирзиёев билан учрашуви кўзда тутилган. Музокараларда Ўзбекистон — Россия муносабатларининг бугунги аҳоли ва истиқболлари муҳокама қилиниб, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашиш кутилмоқда.

(ЎЗА)

**Кечка
сатрларда**

- «ШИРИН» ресторанида Юнусобод туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда Хамид Олимжон номидаги маданият уйи ҳамкорликларида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилган тадбир «Сен азиз ва муқаддасан» деб номланди.
- КЕЧА Учтепа туман ҳокимлигида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан уюштирилган тадбирда туманининг фаол аёллари иштирок этишди.
- КЕЧА Тошкент Давлат юридик институтида талабалар, ўқувчилар, ҳуқуқшунослар, адиблар иштирокида уюштирилган тадбир таниқли ёзуви ва публицист, Ўзбекистон санъат арбоби, Маҳмуд Қошғарий номидаги халқаро муқофот совриндори Абдуқоҳор Иброҳимов қаламига мансуб қомий наshr — «Ёруғлуғ» китобининг тақдимида бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



— Энг гўзал мавжудот ким?
— Боласини бағрига босиб турган аёл.
— Ёруғ дунёни тутиб турган омил нима?
— Аёл қалби.
Сўзимизни мухтасар қилиб айтмазми, ҳамisha хамрўз бор бўлсин аёллар. Истиклол қўёши мудом элимиз, юртимиз бошида чарақлаб турсин. Олам пайдо бўлибдики, аёл—онанинг мақсади, нияти —тинчлик, тўқин-сочинлик бўлган. Аёл —она қалбидан отилиб чиққан мана шу қўтлуғ ният йиллар қадар мустаҳаб бўлсин.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

АЁЛ БИЛАН ОЛАМ МУНАВВАР

Булбуллар ичра тинмас забонман,
Ҳамон ёнингдаман, танангда жонман.
Агар ошиқларинг ўн мингта бўлса,
Билгинки, аларнинг сардори менман.

Аёлга юксак эҳтиром ва ҳурматда бўлган шоирнинг қалб садоси бу. Аслида ҳам аёлга ошувта бўлмаган ким бор? Вужудимизга тириклик бахш этиб турган қайси юрак борки, аёл учун энтиқиб, жунбушга келмасин. Инсон исми -жисмига ёруғлик ато этиб турган қайси кўз борки, аёл гўзаллигидан баҳра олмасин. Дунё яралибдики, эркак зоти аёлга талпинади, зеро, дунё гўзаллигининг ўзи ҳам аёл билан-да.

Аёл қалбини, унинг таърифини ўзича куйга солмаган, куйламаган ишқ шайдоси —одамзот борми ахир? Мунис, меҳрибон она, дилкаш аёл ҳақида шеър битмаган, у ҳақда қўшиқ айтмаган санъаткор, аёл — онанинг латофатини бўй-баста билан қордек оқ матога муҳрламаган мусаввир топилармикан? Аёл—она қалби торлари шунчалар сержиллоки, уни чертган санъаткор бу торларда меҳру-муҳаббат, вафо ва садоқат, орзу-армонлар, қувонч ва ташвишлар садосини эшитилади. Ҳатто тилимининг каломи ҳам аёл—она билан бошланади. Эндигина гўжиллай бошлаган гўдакнинг тили она сўзи билан чиқishi ҳам бежиз эмас. Мактаб остонасига қадам қўйган жажжи ўғил- қизларимизга она тили —яъни онамининг тили ўргатилиши ҳам Яратганининг инояти.

Бугун шу қўтлуғ кун, муборак тонг, аёллар иззатда, эркаклар хизматда бўлган файзли оқшомда аёл— оналарга қараб туриб беихтиёр дил-дилимиздан тубандаги бир калом —сўзлар шодаси ифодалангани.

Сиз онасиз, опасиз, садоқатли, вафоли ёр. Уйимизнинг бекаси, келажаги буюк давлат фарзандларининг мунис ва меҳрибон тарбиячисисиз. Сиз ҳаётимиз кўрки, маъноси, хонадонимизнинг файзи ва сеҳри, юракларимизнинг кўри ва гурусисиз. Сиз оила, муҳаббат маъбудаси, фариштаси, орзуларимиз чиросисиз. Сиз бир кўлда бешик, бир кўлда дунёни тебратган сохибжамол малакисиз. Оила мустаҳкамлиги, анъаналаримиз собиллиги сизнинг меҳрингиз ва қалбингиз туйғулдир. Сиз нафақат хонадонимиз гули, балки идораю корхоналаримизнинг файзи ва кўркисиз. Сиз бор жойда табассум, меҳр-оқибат, салимийлик, садоқат, муҳаббат бор. Имонимиз комилки, сизнинг ана шундай ажойиб хислату фазилатларингизни битиб адоғига етиш қийин. Нафақат биз, ҳатто ота-боболаримиз ҳам қалб ардоғида эъзозлаб келган сизни. Уша табаррук зотлар бизга мерос қилиб қолдирган сизнинг жасоратингиз, болажонлигингиз, гўзаллигингизни тараннум этувчи ривоятю ҳикматлар кўп. Уларнинг бирида мана шундай ҳикоя қилинади.

Бир донишманддан сўрабдилар:
— Эй соҳибни ақл, айтингчи, дунёда энг жасур инсон ким?
— Фарзанди ҳимоясига отланган аёл.
— Энг ташвишманд зот ким?
— Фарзанди келажаги учун куйиб-пишган аёл.

Ўлкамизда Наврўз нафаси ЯНАДА ОБОД БЎЛ, АЗИМ ТОШКЕНТИМ!

10-11 март — Умумхалқ хайрия ҳашари

АЙНИ КУНЛАРДА ЮРТИМИЗ УЗРА ГЎЗАЛ БАҲОРНИНГ ИЛИҚ
ШАБАДАЛАРИ ЭСИБ ЯРАТИШ, ЯШНАТИШ АЙЁМИ КЕЛГАНИДАН ДАРАК
БЕРИБ, КЎНГИЛЛАРДА АЖИБ ТУЙГУЛАРНИ УЙГОТМОҚДА.

Маълумки, тозалани, покизалик, хайр-саховат, эзгулик бор жойда кут-баракат, осий-ишталик бўлади. Бинобарин, ҳар йили онадиримизда миллий кадриятларимиз тим-соли бўлиши Наврўз байрами арафасида умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади. Корхона, ташкилотлар, олий ўқув юрлари, маҳалла-гузарлар, кўчалар тартибга келтирилиб, ободонлаштирилади, супуриб-сидирилиб ораста холга келтирилади.

Бу йил ҳам 10-11 март кунлари халқимизга хос бағрикенглик, эзгулик ва саховат юмушларини адо этиш, яқинлашиб келаятган улуг айём — Наврўз байрамини ёруғ юз билан қўтиб олиш, қолаверса Президентимизнинг 2007 йил 23 февралдаги қарори ижроси, «Ижтимоий ҳимоя йили»да ёрдамга муҳтож аҳолига беминнат кўмак бериш мақсадида умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтади. Халқимизнинг эзгу анъаналаридан бўлиши ушбу тадбирда каттаю кичик бажонидил иштирок этиб бутун атрофининг озо-

да, покиза, гулу гулзорга айланishiга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Икки кун бўлиб ўтадиган ҳашарда вазирликлар, идоралар ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ишчи, хизматчилари иштирок этиб, бир кунлик иш ҳақи «Маҳалла» хайрия жамғармасининг тегишли бўлими ҳисоб рақамига ўтказилади. Ушбу маблағлар эса маҳаллаларни янада ободонлаштириш, камхарж оилаларни қўллаб-қувватлаш каби хайрли ишларга сарф этилади. Албатта, ҳашар кунлари ногирон, кекса, ёрдамга муҳтож, беморлар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатилади, қабрисонлар зиёрат қилиниб, тозаланиб, обод бўлишига ҳисса қўшилади.



—дейти Тошкент шаҳар Оксоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Раҳимжон Нодиров. — Бир қатор шохқўчалар, ариқ ва зовурлар ҳам чиқиндилардан тозаланиб, қуриган дарахтлар олиб ташланади. Ишонимизки, маҳалладошлар қадим-қадимдан халқимиз онгига сингиб кетган олижаноблик, яхшилик, беминнат саховат кўрсатиш тимсоли булган ҳашарда мўлжалдаги барча ишларни амалга ошириб байрамни муносиб қўтиб оладилар.

Озод ва обод юрда яшаётган ҳар бир ҳамшаҳримиз бу олижаноб, саховатга йўғрилган юмушларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишига аминимиз. Ниятимиз кўнгилларида уйғонган илиқлик бутун атрофга таралсин, озодлик, тозалани, саранжом-сарихталикдан дилларимиз яйраб Наврўзимизга пешвоз чиқайлик. Азим пойтахтимиз гўзаллиги кўрган кўзаларни қувнатсин, қалбимизни фаҳру-ғурурга тўлдирсин.

Шоира МУҲАМЕДОВА

8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

Юз билан юзлашганлар

ЯХШИЛАРГА ЁНДОШИБ ЯШАНГ

дейди асрга тенгдош онахон Рихсибиби Алимкулова

ОИЛАНИНГ ФАРОВОНЛИГИ, ТИНЧЛИГИ, ФАЙЗУ БАРАКАСИ АЁЛЛАРГА, ОНАЛАРГА БОҒЛИК, АЛБАТТА. ОТА-ОНА — БУЮК ДАВЛАТ. БУ БЕАХОМ ДАВЛАТИМИЗ ГАНИМИТ ЭКАНЛИГИНИ ДОИМО ЕДДА ТУТИШИМИЗ КЕРАК. ЮЗЛАРИДАН НУР ЁГИЛИБ ТУРГАН НУРОНИЙ ОТАХОН ВА ОНАХОНЛАРИМИЗНИНГ ҚУЛЛАРИ ДОИМО ДУОДА, ШУНДАЙ ҚУТЛУГ КУНЛАРДА УМРГУЗАРЛИК ҚИЛАЁТГАНЛАРИГА, ЁРУҒ КУНЛАРГА ЕТКАЗГАНИГА ОЛЛОҒА ШУКРОНАЛАР АЙТАДИЛАР.

Бахорнинг шодиёна айёми Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида ҳамюртларимиз орасида мана шундай улғу ёшга етган юз билан юзлашган бахтли онахонлар билан дилдан сўхбат қилишга ошқидик. Миробод туманидаги «Файзобод» маҳалласида истиқомат қилувчи Рихсибиби ая Алимкулованинг хонадонларига бориб, онахони байрам билан кутлаб келган келинларни, ўғил-қизларни, невараларни, кадрдон қўшнилари даврасида учратдик. Шунингдек, бу йил қутлуг 103 ёшни қарши олган онахонни байрам би-

лан ҳамда улғу ёшлари билан қутлагани Миробод туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Наргиза Пулатова ҳам таъриф буюриб, туман ҳокимлиги томонидан онахонга байрам совғаларини топширди. Рихсибиби аянинг бундай эътибордан кўнгиллари тоғдек кўтарилиб, қувонганларидан қўзларига ёш олиб, дуга қўл очдилар. Онахонни сўхбатга тортиб ҳаётлари қандай кечганлиги, оилалари, фарзандлари ҳақида, шунингдек, узоқ умр кўришини сирини тўғрисида сўрадик.

—Мени ҳурмат қилиб, йўқлаб келибсизлар, сизларни Оллоҳ сийласин. Минг раҳмат,— дея ўтган умр йўлларини ҳикоя қилди ая. —Ҳаётим фақат меҳнатда ўтди, турмуш урғони Бозорбой ака билан аҳил ва тотув умр кечириб, етти фарзандни воёга етказиб, комил инсонлар қилиб тарбияладик. Уруш йиллари оғир қаҳатчиликларни бошдан кечирганмиз. Фарғона канали қурилишида ҳам қатнашганмиз. Эҳ бу кунларни эслаш нақадар оғир. Лекин, ўтган умримга ачинамайман, болаларимни ҳалол меҳнат орақсида воёга етказдим, уларга ҳам ҳамиша поклик, тўғрилиқ, меҳнатсеварликни ўргатдим. Яхшилarga ёндошиб, уларга ҳавас қилиб яшанг, деб ўқтириб келдим. Ҳаётнинг асл мазмуни

ҳам билсангиз, ана шунда. Мана юз ёшдан ошиб шундай ёруғ, дорилормон кунларга етказганига минг марта шўқр айтаман. Сизлар нақадар бахтлисиз, замонамиз тинч, тўқин-сочинлик, фаровонлик. Барака топсин, Президентимизга ҳам раҳмат, халқимизга, айниқса кексаларга, ёрдамга муҳтожларга доим ғамхўрлик кўрсатади. Телевизордан ҳамма яхши хабарларни эшитиб хурсанд бўлиб ўтираман. Юртбошимизни, халқимизни Оллоҳ ёмонлардан ўзи асрасин, деб дуо қиламан. Тинчликнинг эгаси, оёқимизга қўйиб берган, деб дуо қиламан. Тинчликнинг эгаси, оёқимизга қўйиб берган, деб дуо қиламан. Тинчликнинг эгаси, оёқимизга қўйиб берган, деб дуо қиламан.

Олтин олма, дуо ол, деб бежиз айтишмаган. Айниқса пиру бадавлат нуронийларимизнинг дуолари доимо мустажоб бўлиши, шубҳасиз. Бугунги кунда фарзандлари, 25 нафар, 35 нафар эваралари ардоғида қарилқаштири шарафланган, мулоим чехрасидан нур ёғилиб турган Рихсибиби аянинг ўз ҳаётларидан, фарзандларидан мамнунликларини



қўрдик. Айниқса, сўхбатимиз асосида келинларининг қайноналари ҳақидаги илқ сўзлари эътиборимизни тортмай қўймади.

— Шундай ёшга етганларининг боиси, онамиз доимо кенг фезллы, сабр-тоқатли, қаноатли, бағри кенг, саховатли бўлганликларида деб биламан. Биз бу хонадонга келин бўлиб туришда, қайнонамиз бизга келин эмас, ўз қизларидек меҳр кўрсатдилар. Камчилигимизни ашириб, яхши томонларимизни ошириб, яхши маслаҳатларини аяматдилар,— дейди Рихсибиби аянинг катта келинлари Санобар опа.— Аамизнинг яна бир фазилатлари, одамларга яхшилик қилиши, эл қорига яраш бўлган. Маҳалладаги тўй-ҳашам қиладиган хонадонларнинг қўрла-қўрпачаларини тикиб, қавиб берардилар. Ким илтимос қилиб чиқса,

йўқ демай, дарров қўниб, чиройли қилиб тикардилар. Шу касбларини менга ҳам ўргатганлар. Одамларнинг ҳолатини чиқариб, раҳматини эшитиш катта бахт экан. Илоҳим, онамизнинг умрлари бундан да зиёда бўлсин. Ҳаммаи ҳам шундай улғу ёшга етказсин. Онамиз билан оиламиз файзли ва ғамхўр.

Рихсибиби аянинг хонадонларидан шундай пиру бадавлат ёшга етиши, фарзандлари, набири, эвар-эваралари ардоғида, эъзозида бўлишликни ният қилиб, онахоннинг чин дилдан қилган дуоларидан баҳраманд ҳолда хурсанд қайтдик.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: Рихсибиби ая Алимкулова эваралари даврасида. Равайн Шожиров олган сурат

Анжуманлар СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЁРИТИШГА БАҒИШЛАНДИ

«DEDEMAN SILK ROAD TASHKENT» МЕҲМОНХОНАСИНИНГ АНЖУМАНЛАР ЗАЛИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЁРИТИШГА БАҒИШЛАНГАН АМАЛИЙ СЕМИНАР ҲАМДА «ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ ТИЗИМИ ВА МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИНГ ИСЛОҲОТИ» ТАНЛОВИНИНГ ГОЛИБЛАРИ БЎЛГАН ЖУРНАЛИСТЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Амалий семинар БМТ Ривожланиш дастурининг «Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш» ва «Ўзбекистонда божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш» лойиҳалари томонидан Журналистларни қайта тайёрлаш Халқаро маркази билан биргаликда ташкил қилинди. Мазкур лойиҳаларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига солиқ маъмуриятчилиги тизимини такомиллаштириш ва янги тахрирдаги Божхона Кодексини ишлаб чиқишда техник ёрдам кўрсатишга кўмаклашиши кўзда тутилган.

Семинарда республиканинг турли минтақаларида иқтисодий мавзуларни ёритувчи босма оммавий ахборот воситалари вакиллари, теле ва радиожурналистлар, Ўзбекистон Республикасининг Молия ва Адлия вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси вакиллари, солиқ сийёси ва маъмуриятчилиги соҳаси мутахассислари иштирок этишди.

Таъкидлаш керакки, 2006 йилда Ўзбекистонда солиқ ва божхона соҳасида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди. Айрим солиқ ва тўловлар анча камайtirилди, кичик бизнес учун солиқ юкнини салмоқли тарада камайtirилди, солиқ тизимини содда-лаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш учун чоралар кўрилди. Солиқ ва божхона кодексларининг янги тахрирдаги лойиҳалари ишлаб чиқилди. 2007 йилда солиқ ва божхона қўнунчилигини янада такомиллаштиришга қаратилган чоралар давом этирилиди.

Семинар оммавий ахборот воситаларини мамлакатда амалга ошириладиган солиқ ва божхона соҳасидаги ўзгаришлар, келажақдаги ислохотларнинг устувор йўналишлари ҳақида хабардор қилиш ҳамда маҳаллий ОАВларининг мазкур ташаббус ва ютуқларни ёритишдаги салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида ташкиллаштирилди. Ўтказилаётган ислохотларнинг муваффақиятли татбиқи, қўйилган вазифаларнинг бажарилиши учун уларнинг кенг ёритилишини таъминлаш, давлат маюссасалари ва барча манфаатдор томонлар орасида мулоқотни йўлга қўйиш лозим. Бунда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди.

Амалий семинар давомида қатнашчилар Ўзбекистонда солиқ ва божхона маъмуриятчилиги тизимлари ислохотида БМТ Ривожланиш дастурининг ҳукуматга кўрсатаётган кўмаги, мамлакатдаги солиқ ислохотининг гоёвий ёндашувлари ҳамда янги тахрирдаги Божхона Кодексини ишлаб чиқишнинг тамойиллари ва услублари ҳақида хабардор бўлишди. Қатнашчилар иқтисодий мавзулар бўйича материалларнинг сифат стандартлари билан танишишди; газета ва журналларда чоп этилган солиқ ва божхона мавзулари бўйича материалларнинг ҳар хил тарафлари таҳлил қилинди. ОАВ ва ДСҚ матбуот хизматининг ўзаро ҳамкорлиги масалалари ҳақида айтиб ўтилди.

БМТ Ривожланиш дастурининг Ўзбекистон Республикасида давлат молияси тизими ислохотида ёрдам кўрсатишга қаратилган янги лойиҳанинг тақдимоти ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш Халқаро маркази психолог-тренири томонидан ўтказилган ва журналистларнинг мулоқот кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган амалий машғулот журналистларда катта қизиқиш уйғотди.

Семинар давомида журналистлар орасида ўтказилган танловнинг голибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Танлов голиблари бўлган журналистларга солиқ ислохотларининг долзарб муаммолари ва ютуқларини кенг ёритишда қўшган ҳиссалари ҳамда ўз фаолиятида илғор ёндашувлардан фойдалангани учун қимматбаҳо совғалар ва Фахрий ёрликлар топширилди.

(Ўз муҳбиримиз)

Иқтисодиёт

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

ЮРТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ УЧУН ЯРАТИЛГАН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР САМАРАСИ ҲОЗИРДА УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЯТИМИЗ ЮКСАЛИШИДАГИ УЛУШЛАРИДА ЯҚҚОЛ АКС ЭТМОҚДА. БУ ЙЎЛДАГИ ИЗЛАНИШ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ СИФАТГА ҚАРАТИЛГАН АСОСИЙ ЭЪТИБОР, ХОРИЖИЙ ТЕХНИКА ҲАМДА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ МУКАММАЛ ЎЗЛАШТИРИЛАЁТГАНЛИГИ СОҲАДАГИ ЮТУҚЛАР ОМИЛИ ҲИСОБЛАНДИ.

2005 йилда фаолиятини бошлаган «Ilos-mebel» хусусий корхонасининг малакали мебелсозу қўли гул хунармандлари шу қисқа вақт мобайнида 16 турдаги сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашмоқда. 10 нафардан иборат жамоа ахли ишлаб чиқараётган мебеллар аъёнавийлик ва замонавийлик ўзаро уйғунлашган кўркам кўриниши, мустаҳкамлиги боис ҳам хорижийнинг ана шундай товарларидан асло қолишмайди, балки улар билан бемалол рақобатлашади.

Щеда ўрнатилган замонавий хорижий дастгоҳ ва ускуналар мебелсозларнинг мураккаб жараёнларни осон удаллашларида қўл келмоқда. Қўвонарлиси, маҳсулотлар учун ушбу корхона жамоаси маҳаллий хом ашё—чинор, ёнғоқ, қайрағоч, ясенё, дуб каби дарахтлардан фойдаланади.

Ички бозоримизда қисқа давр ичида ўз ўрнини топган «Ilos-mebel»-чилар эндиликда Қозғистон, Тожикистонга, жорий йил бошидан эса Германия давлатига ҳам ўз маҳсулотларини экспорт қилишди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Нишондорларимиз

МУҲЛИСЛАР МЕҲРУ МУҲАББАТИГА САЗОВОР

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБИ БИЛАН БИР ҚАНЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗ, ХАЛҚИМИЗ МАДАНИЯТИ ВА МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ИШИГА ҚЎШГАН САЛМОҚЛИ ҲИССАСИ, БЕТАКРОР ИСТЕЪДОДИ, СЕРҚИРРА ИЖОДИ, ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ УЧУН ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИЛАР. УЛАР ҚАТОРИДА ТАНИҚЛИ БАСТАКОР ДИЛОРОМ ОМОНУЛЛАЕВА ҲАМ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САҢЪАТ АРБОБИ» УНВОНИНИ ОЛИШГА МУЯССАР БЎЛДИ.



ним манием», «Хумо қушим», «Ўзбекистон», «Сен меҳнат ватанимсан», «Наврўзим», «Ўзбегим», «Зарлари зар Ватан», «Бир биринини асра-каби қўшиқлар яратди.

Бугунги кунда эса Ўзбекистон Давлат консерваториясида талабаларга мусиқа сирларини ўргатиш билан бирга, бир қанча эстрада юлдузларини тарбиялашда ўз ҳиссасини қўшиб

орасида танилишида меҳнатқаш, меҳрибон, тиниб-тинчимайдиган мураббий, машҳур бастакор Дилором Омонуллаеванинг хизматлари бениҳоядир.

— Мен санъатсиз, унинг бетакроп, жозибали оламисиз ҳаётини тасаввур қила омайман, — дейди Дилором опа биз билан сўхбатда. — Умрим йўлларига назар солар

эканман, унда фақат ёрқин, нурли кунларни кўраман ва яшаётган ҳар бир куним, изланаётган бедор тунларим, ҳаловатсиз, ҳаловатли кенган дақиқаларим учун шукроналар айтаман. Ҳар бир инсон эзгуликка интилади. Чунки эзгулик ва яхшилик ортидан доимо эл раҳмати, халқ меҳри ва ишончи унга ҳамроҳ бўлаверади. Меҳнатларим, изланиш ва интилишларим зое кетмади, албатта. Мен яратган мусиқа асарларини халқимизнинг меҳрини қозонди. Тарбиялаган ва сабоқ берган шогирдларим эса эл севган эстрада юлдузлари бўлиб етишмоқдалар. Улар ижросидаги қуй-қўшиқлар нафақат мамлакатимиз, балки дунё халқлари қалбидан меҳр билан жой олаётганидан, жарангдор овозлари Ўзбекистонимиз шънини дунёнинг турли мамлакатларида шарофатланидан мамнунман. Бу ҳам mening машаққатли меҳнатим самарасидир, аслида бахт шу эмасми? Санъат соҳасидаги меҳнатларим юксак даражада баҳолашиб «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби» деган юксак унвонга сазовор бўлдим, бу эса ўз устимда янада кўпроқ ишлаганима маънавий бир туртки бўлдики бунчи сўз билан ифода эта олмаймаман. Бу нуфузли мукофот янги-янги асарлар яратишимга илҳом бермоқда. Сўзимнинг охирида яқинлашиб келаётган 8 март — Халқаро хотин қизлар байрами байрамимизни чин кўнгилдан табриқлайман, истайманки, ўзбек аёлларидаги садоқат, меҳру вафо, меҳнатқашлик, фидойилик ва уларнинг ўзигагина ҳоз ўзбекна шарму ҳаё уларни ҳеч қачон тарқ этмасин...

Биз ҳам халқнинг меҳру-муҳаббатига сазовор бўлиб келаётган, миллий санъатимиз ривожига ўзининг бекиёс меҳнати билан ҳисса қўшаётган Дилором опага мустаҳкам соғлиқ, янада ўшқин фаолият ва омадлар тилаб қоламиз.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТДА: Ўзбекистон санъат арбоби Дилором Омонуллаева ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулсанам Мамазоитова.

«АТИРГУЛ» ТАНЛОВИ ГОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА БУГУНГИ КУНДА БОШҚА СОҲАЛАР КАБИ МАТБУОТ СОҲАСИДА ҲАМ САМАРАЛИ ИЖОД ҚИЛИБ КЕЛАЁТГАН ЎТКИР ҚАЛАМ СОҲИБАЛАРИ, ЁЗУВЧИЛАР, ШОИРАЛАР, ЖУРНАЛИСТЛАР САФИ ЙИЛДАН ЙИЛГА КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА.

Маълумки, Ўзбекистон Журналистлар икюдий уюшмаси қошида бир неча йилдан буён «Журналист аёллар клуби» фаолият юритиб келмоқда. Ва ижодкор аёллар ўртасида «Атиргул» танлови ташкил қилинган. Шуниси эътиборлики, ҳар йили 8 Март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида аъёнавий тус олган «Атиргул» танлови голибларини тақдирлаш маросими ўтказилади. Кунни кеча Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари икюдий уюшмаси ҳамда Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Атиргул» танлови голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирни очар экан Ўзбекистон Журналистлар икюдий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов ижодкор аёлларни баҳор ва хотин-қизлар байрами билан кутлаб, уларнинг ижодларига юксак парвозлар тилади. Танловда республикамиз ҳаётини ўзгаришларни, ютуқ ва камчиликларни йил давомида фаол, таъсирчан ёритиб келган аёл журналистларнинг ижод намуналарини муносиб баҳолашиб, голиблар эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Тадбирда, шунингдек, Ўзбекистон халқ

шоираси, «Саодат» журнали ҳамда «Гулчехралар» газетасининг бош муҳаррири Ойдин Ҳажиевнинг «Назокат» шеърлар тўпламининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Шу билан бирга таниқли адиба, профессор «Тил ва адабиёт таълими» журнали бош муҳаррири Раъно Толипованинг 70 йиллик юбилейи нишонланди.

— «Атиргул» танлови журналист хотин-қизлар орасида ўзига хос ижодий мусобақанинг шаклланишига ва унинг ривожланишига бир туртки бўляптики бу ҳол даврий матбуот, радио ва телевидение материалларининг залворли мақола, сифатли кўрсатув ва эшиттиришлар билан бойишига сабаб бўлади, — дейди «Журналист аёллар клуби» раҳбари Мухтабар Аҳмедова. — Ушбу танловнинг эътиборга молик жиҳати яна шундаки, у вилоятлардаги истеъдодли, қалами ўткир журналист аёлларни кашф қилмоқда, уларни қўллаб-қувватлаб, икюдий мусобақага чорламоқда.

Гулором ҲАМИДОВА СУРАТДА: «Атиргул» танловидан лаъха. Азамат Аҳмедов олган сурат

Назм

АЁЛ

Оиласин орига посбондир аёл,
Фарзанди — ниҳолага боғбондир аёл.
Мақсад манзилга томон бошлаб борувчи,
Хормас-толмас шиддатли сарбондир аёл.
Бешикли дунёни аллааб абад,
Эзгулик элтувчи қарвондир аёл.
Сиеҳинг қўл бўлса, қоғозинг осмон,

Таърифи сизмагай жаҳондир аёл.
Меҳрини ўлчагич таразу айқондир,
Ҳар харфи мўъжиза достондир аёл.
Қалбининг ардоқли меҳмони билсанг,
Пойингга бир умр мезбондир аёл.
Йиғитнинг елкасин эсса ғам тоши,
Кўмакдош тирговчи, полвондир аёл.

Вафосин ардоқлаб, қалқон бўлолсанг,
Йўлигеза машғала — алвондир аёл.
Садоқат боғида у бир атиргул,
Авайла, муаттар райхондир аёл.
Ошла устуни — эрни эъозлаб,
Ҳалолик, покликка кўргондир аёл.
Башар қўйлар ахир аёл мадҳини,
Машраб, жисминг учун имондир аёл.
Машрабхон ЖУВОНМАРДИЕВА

ЭПЛАСАНГ — ЭПАКДА СУВ (Ҳазил интермедия)

Қатнашчилар: Мўмин чақ-чақ, Соли совуқ ва бошқалар
Мўмин чақ-чақ: Саккизинчи март бугун, Ҳамма дадил, мард бугун! Эркакларнинг шаънига Юқтирмаймиз гард бугун! Соли совуқ: Салом жўра, қалайсан?— Хурсандсан ҳар қалай сан, Курк бўлган товухдай, Бунча кўп қақиллайсан?! Мўмин чақ-чақ: Э, жўра Солимсан, Сувоқдан холимсан? Бунчалар бошинг эгик, Улуш урган солсимсан! Соли совуқ: Саккизинчи март дейсан, Ҳамма дадил, мард дейсан, Ҳамма номидан сўзлаб, Бир кун бундан панд ейсан. Мўмин чақ-чақ: — Қўй жўра, уни-буни

Айттин сен менга шуни. Нима совға қилсан, Янгамга байрам кунин? Соли совуқ: Шуни ўйлаб юрибман, Бошим қотиб турибман. Чўнтакда ҳемири йўқ, Байрам кунин қурибман. Мўмин чақ-чақ: —Гапимга кўнасанми? (Сериял кўрасанми?!). Жоним де, севаман де Пул харжлаб юрасанми? Соли совуқ: —Ҳазилингни қўй, жўра, Пулдан чўз ундан кўра. Шўхи қўйлақ ваъдам бор, Оймасам ҳолим сўра. Мўмин чақ-чақ: —Жўражон бўлгин сал қув, Эпласанг—элақда сув. Шўхи қўйлақ шарт эмас, Совға қил қувноқ кулгу! Тўлан ТАБАССУМ

ОНГИМИЗ ВА ҚАЛБИМИЗ ДАЪВАТИ БИЛАН

БУГУН ЖАҲОН МУСУЛМОН ОЛАМИНИНГ ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРИ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАРАТИЛГАН. БУНИ ФАҚАТ ТОШКЕНТ ШАҲРИ «ИСЛОМ МАДАНИЯТИНИНГ ПОЙТАХТИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИ БИЛАНГИНА БОҒЛАМАСЛИК КЕРАК. АЛБАТТА, БУНДАЙ ЖАҲОНИЙ ЭЪТИРОФ ЭЪТИБОРГА САЗОВОР БЎЛГАНИ ҲОЛДА, ХОРИЖДАГИ БИРОДЛАРИМИЗНИ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ЎТГАН ҚИСҚА ДАВРИДА ЮРТИМИЗДА МУҚАДДАС ДИНИМИЗГА ДАХЛДОР ТАРИХИЙ ОБИДАЛАРНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ ВА ТАЪМИРЛАШ, БУЮК МУТАФАККИРЛАР, АЗИЗ-АВЛИЁЛАР ВА БОШҚА УЛУФ ЗОТЛАР ЁТГАН ЖОЙЛАРНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ, МАМЛАКАТДА ИЙМОН-ЭЪТИҚОД ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИ ҚАРОР ТОПИРИШ БОРАСИДА ЭРИШИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР ҲАМ ҲАЙРАТДА ҚОЛДИРМОҚДА. БОР ҲАҚИҚАТ ШУКИ, БУ УЛУФ ВА САВОБЛИ ИШЛАРНИНГ БОШИДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗИ ТУРИБДИ. БУНИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ҲАМДА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА ДИН АРБОБЛАРИ ҲАМ ЭЪТИРОФ ЭТИШЯПТИ.


Халқимиз эса бу ишларнинг барчасида фаол иштирокчи ва жонли гувоҳ бўлиб турибди. Холисона айтадиган бўлсак, ўзбек давлатчилиги тарихида ислом маданиятининг гуллаб-яшнаши асосан икки даврга тўғри келади. Биринчи — Амир Темури даври, иккинчиси ҳозирги давр. Сохибқирон бобомизнинг бу йўлдаги хизматларидан тарих далолат беради. Ул зотнинг ўзи бу дунёда неки иш қилган бўлсан, ҳаммасини дини ислом равнақи учун қилдим, деган. Агар мозийга чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, ўшанда юртимиздаги мўғуллар истилосидан кейинги мураккаб бир даврни кўрамиз.

Ислом маданиятининг ҳозирги ривожини эса мустамлакачилик ҳамда коммунистик мафкура зулми ва зўравонлигидан кейинги даврга тўғри келади. Ўтган қисқа вақт мобайнида мамлакатимизда ислом маданияти ривожига қўшилган бекиёс хиссани сўз билан ифодалаш қийин.

Бугун биз Юртбошимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий бобомиз мангу макон толган жойда яратилган мақбара мажмуаси халқимизнинг сеvimли зиёратгоҳига айланиб қолганини яхши биламиз. Президентимиз бундай савобли ишлардан нечасига бош-қош бўлганидан ҳам яхши хабардоримиз. Ҳозирги кунда юртимизнинг қайси вилоят, шаҳар ва қишлоғидаги муқаддас жойларда — зиёратгоҳларда бўлманг, аввало, атрофдаги кўркамлик ва саранжом-сарашталликни, обод манзараларни, қолаверса, зиёратчиларга яратилган қулай шарт-шароитларни кўриб қувонасиз.

Эътиқод — қалб гавҳари. Уни авайлаб-асраган юртнинг келажиги албатта ёруғ бўлади. Ўзбекистон ва унинг халқи ўз келажигини, фарзандлари истиқболини ўйлагани учун ҳам мана шундай маънавий юксалиш йўлини танлади. Умуман, тарихсиз келажак бўлмаганидек, ўтмишни ўрганишда, бой маънавий меросни авайлаб-асрашда, миллий қадриятларни қадрлашда, биз қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни англашда муқаддас динимизнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Президент Ислам Каримов «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида таъкидлаганидек, «инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, саховат ва мурувват сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан шу заминда илди-отдади ва ривожланади».

Бухоро, Самарқанд, Хива, Марғилон, Қарши ва бошқа қадимий шаҳарларимиз каби Тошкент ҳам ана шундай табаррук заминлардан бири. Тошкентнинг тарихи ўзбек давлатчилиги тарихи, бу ердаги меъморий обидалар халқи-



мизнинг маънавий мероси, юртимизда ислом маданиятининг юксалиши шаҳардаги муқаддас жойларнинг номлари билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам бутун мамлакатимиз миқёсида диний ва маънавий меросга, тарихий обидалар ва қадамжоларга бўлаётган эътибор Тошкентни ҳам четлаб ўтмаяпти. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилиги жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» қабул қилган қарори ана шу эътиборнинг давлат миқёсидаги яна

тортиб маҳоратли усталаргача сиқидилдан ва пок ният билан меҳнат қиладилар. Одатда, дин илмидан беҳабар бўлсалар-да, савоб талаб, оққўнгил, қалблари тоза, эзгуликка интилувчан, ҳаётда тақводор ва покиза инсонлар ана шундай улуғ ишга ҳисса қўшганликлари билан бир умр фахрланиб юрадилар. Мажмуадаги кенг қўламдаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ана шундай инсонлар учун ниятлари ижобат бўлиши йўлида яхши имконият очиб бериши билан ҳам эътиборлидир.

САХОВАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙЛИК

Мамлакатимиз пойтахти—Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) меъморий мажмуасида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида «Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилиги жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор бутун ҳамюртларимизнинг кўнгилларини ҳушуд этди. Зеро, ушбу Қарор муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишга хизмат қилиб келаётган йирик илмий-маърифий марказнинг асл тарихий қиёфасини тиклаши, бу ерда кенг қўламда қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфраструктурасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрнни тутади.

Ўйлашимизки, мамлакатимизда бу улуғ ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўшиши ниятида бўлган инсонлар, корхона, ташкилот ва муассасалар, тадбиркор ва ишбилармонлар қўллаб-қувватланади.

Биз газетамиз орқали ана шундай саховатпешаларга

ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСТИМОМ) ЖАМОАТЧИЛИК ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҲИСОБ РАҚАМЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

СТИР: 206849483

МҲО: 00423

Х/р: 20212000604589442001

АТИБ Ипотека банки Меҳнат филиали

бир амалий намоёнидир. Қарорда қайд этилганидек, бу кутлуғ даргоҳ диёримизда муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишда йирик илмий-маърифий марказ бўлиб хизмат қилаётганини, айниқса, Ўзбекистон муслмонлари идорасининг кутубхонасида сақланаётган Қуръони каримнинг энг қадимий ва мўътабар нусхаларидан бири бўлган машҳур Усмон Қуръони, шунингдек мингмиглаб ноёб қўлёзмалар жаҳон жамоатчилигининг эътиборини ўзига тортиб келаётганини таъкидлаш лозим.

Қарорга биноан, Ҳазрати Имом мажмуасида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари жараёнида Усмон Қуръонининг сақланиши учун ҳам ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратиш кўзда тутилган. Шунингдек, бу ерда бошланган кенг қўламдаги қурилиш-таъмирлаш, қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишлари мажмуа таркибидagi Кафол Шойши мақбараси, Бароқхон ва Мўйи муборак мадрасалари, Тила шайх ва Намозгоҳ масжидлари каби тарихий обидаларни ҳам ўзи ичига олади.

Ҳўш, бу ишларни қандай асосда, қандай меъморий услублар ва ечимлар орқали бажариш керак? Юртбошимизнинг тавсиясига кўра бу масканда бунёд этиладиган янги иморат ва иншоотлар, аввало, Тошкентнинг қадимий меъморчилик санъатига монанд, тошкентлик қўли гул усталарнинг маҳоратларига хос, пойтахтимиз аҳлининг дидларига мос, бир сўз билан айтганда, Тошкентдек азим шаҳарнинг салоҳияти ва салобатига яраша бўлиши керак.

Савоб ишга қўл урганлар ана шуларни назарда тутиб ҳамда ўз олдларида турган катта ва жиддий синов масъулиятини зиммаларига олиб иш бошлашди. Ишончимиз комил, оддий қурувчилардан тортиб инженер-техник ходимларга, синчков лойиҳачилардан

Албатта, юртимизнинг бошқа тарихий шаҳарларида барпо этилган меъморий мажмуаларни қуришда қатнашган тажрибали усталар ҳам қараб туришмайди. Шубҳасиз, Имом Бухорий мажмуасини бунёд этишга ҳисса қўшган меъмор, лойиҳачи, моҳир уста ва қурувчиларнинг тажрибалари ҳам асқотади. Бундай савобталаб инсонлар бошқа тарихий шаҳарларимизда ҳам бор. Улар ҳам, табиийки, ўз ёрдамларини аяшмайди. Бироқ барибир Тошкентнинг қадимий меъморчилик санъати мактаби ўз изини қолдиргани маъқул. Бу мактаб қолдирган тажриба намунасини бугун пойтахтимиздаги кўплаб меъморий обидалар, жумладан, Қўқалдош мадрасаси миносида кўриш мумкин. Ана шундан келиб чиқиб, Ҳастимом мажмуасидаги кўҳна архитектура ёдгорлиқларининг тарихини, уларнинг асл қиёфасини аниқлаш, қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларини айнан шу асосда ташкил этиш зарур. Бунда давлатимиз раҳбари бу масала бўйича мутасаддилар олдига шундай ўринли талабни қўймоқда.

Хорижда ёки ўзимизда бўлсин, баъзи бировлар шу йўналишда амалга ошириладиган ишларни ҳамда шу пайтгача юртимизда ислом маданиятини юксалтириш йўлида олиб борилган саъй-ҳаракатларни Тошкент шаҳри «Ислом маданиятининг пойтахти» номини олганлиги билан боғлашлари мумкин. Аслида эса бундай ўзгаришлардан кўзланган мақсад бошқа. Президент Ислам Каримов «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида бунинг асл моҳиятини ифодалай шундай деди: «Албатта, биз она заминимиз бағридаги ҳар бир моддий ва маънавий мерос намунасини кўз қорачигидек асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича қилаётган бу ишларимизни кимгадир намойиш қилиш, кўз-кўз этиш учун эмас, аксинча, келажакимизни ўйлаб,

онгимиз ва қалбимиз даъвати билан амалга оширмоқдамиз. Токи эртага бизнинг ўрнимизга келадиган, биз бошлаган олижаноб ишларни муносиб давом эттиришга қодир бўлган ёшларимиз ана шу бебаҳо маънавий бойлиқдан баҳраманд бўлсин, шу асосда ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини англаб етсин».

Бу фикр чуқур ўйга толдириш билан бирга, ҳар биримизда фахрифтихор ҳиссини уйғотади. Биз ақл-идрок, оғир-вазминлик билан келажакни ўйлаб қадам босаямиз. Ҳамма гап мақсаднинг аниқлиги, иймон-эътиқодимизнинг мустақамлиги, аҳиллик ва ҳамжиҳатликда.

Келажакка умид қилиб, ишонч ва қатъиятлик билан олға қадам ташлар эканмиз, ўтган кунларимизни гоҳ-гоҳ эслаб туриш асло фойдадан холи бўлмайди. Шундагина бугуннинг қадрини биламиз. Ўтмишда юртимиз не-не босқинларни кўрмади. Халқимиз не-не зулм ва ёвузликлар азобини тортмади. Бироқ ҳеч ким ва ҳеч қандай куч бизни танлаган йўлимиздан тойдира олмади, иймон-эътиқодимиздан айира олмади. Аксинча, оғир пайтларда бизга муқаддас динимиз, азиз-авлиёлари улуғ зотларимиз руҳи мададкор бўлди. Иншооллох, бундан кейин ҳам шундай бўлади. Чунки ҳозирги кундаги саъй-ҳаракатларимиз танлаган йўлимиздан боришда бизга нурафшонлик бағишлаб турибди.

Президентимиз ўз интервьюсида эслатиб ўтганидек, бу борадаги ишларни изчил равишда давом эттириш учун ишлаб чиқилган амалий дастур асосида юртимиздаги муслмон меъморчилиги обидаларини қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларида узвийлиқни таъминлаш ҳамда ислом маданиятини кенг тарғиб қилиш юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрида «Ислом ва бағрикенглик» мавзуида ўтказиладиган нуфузли халқаро илмий конференция маънавий ҳаётимизда катта воқеа бўлиши, шубҳасиз.

Тўғриси, Ўзбекистонга жаҳон ҳамжамиятининг, аввало, ислом дунёсининг қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Кўриб турганимиздек, Тошкент шаҳри «Ислом маданиятининг пойтахти» номини олганлиги муносабати билан хориждан келадиган табиқларнинг оқими тўхтамаяпти. Жумладан, Ислом конференцияси ташкилоти Бош қотибининг Ўзбекистон Президентига йўллаган табригида шундай дейлади: «Ушбу қувончли воқеанинг нишонлишига бағишланган тадбирлар дунё ҳамжамиятига ўзбек халқининг кўҳна ва бой мероси билан яқиндан танишиш имконини бериши ҳамда цивилизациялар ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро ишончнинг мустаҳкамланишига хизмат қилишига ишончим комил».

Бугунги кунда мамлакатимизда бу борада амалга ошириладиган қатор тадбирлар ана шундай кенг қамровли яқин ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш ва уларни янги, юксак босқичга кўтариш имконини беради. Шак-шубҳасиз, бу ислом маданияти равнақи ҳамда дунёдаги барча соф ниятли инсонлар манфаатига хизмат қилади.

Иброҳим НОРМАТОВ

Тадбиркорга толе ёр изланишга ундайди

ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА, УЛАРНИ ФАҚАТГИНА ИЧКИ БОЗОРДАГИНА ЭМАС, БАЛКИ ХОРИЖ БОЗОРИДА ҲАМ ХАРИДОРГИРЛИГИГА ЭРИШИШДА, ШУБҲАСИЗ, ТАДБИРКОРЛАРИМИЗНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШЛАРИ ЮКСАК САМАРА БЕРМОҚДА.

Кичик ва хусусий бизнес корхоналари цехлари-га юксак унумли дастгоҳ ва ускуналар ўрнатишга, уларнинг қувватидан оқилона фойдаланган ҳолда маҳсулот тайёрлашга қаратилган эътибор боис ҳам «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиқли товарлар хорижга экспорт қилинмоқда. Бу, албатта мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, Президентимиз ва ҳукуматимизнинг тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратаётган эътибори, ушбу соҳа равнақини таъминлашга доир қатор Фармон ва қарорларнинг чиқарилиши кичик ва хусусий бизнес ривожига энг муҳим омилга айландики, буни уларнинг сафи йил сайин кенгайиб бораётганлиги исботлаб турибди.

Ана шундай жамоалардан бири — DAVR SHAMS JHOZ» масъулияти чекланган жамиятининг иш бошлаганига ҳали бир йил бўлмасда, улар жорий йилда маҳсулот экспортини йўлга қўйишмоқда. Собир Раҳимов туманидаги «Иброҳим ота» маҳалласидаги 20 нафар ёшларни иш билан таъминлаган ушбу корхонада маҳаллий хом ашёдан турли хил замонавий мебель маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилган. Бугунги кунга келиб ўтган



қисқа давр мобайнида маҳсулот турлари 10 хилдан ортиб, айниқса ётоқхона, меҳмонхона, ошхона мебеллари, боғча ва мактаблар учун тайёрланаётган қулай ва бежирим мебеллар бемалол четдан келтирилган ана шундай товарлар ўрнини боса олади.

— Замонавий мебеллар тайёрлар эканмиз, албатта экспортни йўлга қўйиш учун сифатига юксак эътибор зарур, — дейди корхона раҳбари Бахтиёр Шокиров. — Шу боис ҳам айни пайтда янги хорижий мебель дастгоҳлари, юксак унумли линиялар келтириб цехларимизга ўрнатишга ҳаракат қилаяпмиз. Жорий йилда қўшни давлатларга мебель маҳсулотларимиз экспортини йўлга қўямиз. Тожикистон мамлакатига шартнома асосида 100 минг долларлик мебель жиҳозларини етказиб берамиз. Корхонамиз номини ҳам беҳизга шундай номламадик. Бунинг замирида давр талабидан келиб чиқиб, изланишлар қилиш, бугунги харидор дидига мос маҳсулотларни тайёрлаймиз, деган мақсад мужассамдир. Ана шу эзгу ният йўлида меҳнат қилиш баробарида ички ҳамда ташқи бозорда ўрнимизга эга бўлиб, республикамиз иқтисодиёти ривожига, эл-юрт фаровонлигига ўз ҳиссамизни қўшамиз. Шунингдек, йил сайин ишлаб чиқаришни кенгайтириш асосида қўшимча ишчи ўринлари ҳам яратамиз.

Ўтган фаолиятларининг илк йилини тадбиркорлар 3 миллион сўмликдан зиёд соф фойда билан яқунлашди. Янги йилнинг ўтган даврида эса «ЎзГА-Зойл» хорижий корхонасининг 32 миллион сўмликдан зиёд буюртмаси бажарилди. Шунингдек, жорий йилда энг замонавий юмшоқ мебелларни тайёрлаш устида ҳам корхона дизайнерлари изланишлар олиб бормоқда. Жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажми бир неча баробарга ортиши кўзда тутилган



бўлиб, буни буюртмачилар сафи ортиб бораётгани ҳам исботлаб турибди.

Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, корхонанинг изланувчан раҳбари Бахтиёр Шокиров «Ташаббус — 2007» кўрик-танловининг Собир Раҳимов тумани босқичида муваффақиятли иштирок этиб тадбиркорлар орасида фахрли 3-ўрин соҳибига бўлди. Албатта, бундай рағбат уларни янги изланишларга, имкониятлардан самарали фойдаланиб, харидорнинг маҳсулот турларини кўпайтиришга, сифатини эса янада юксалтиришга ундайди.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: тадбиркор Бахтиёр Шокиров; корхонада тайёрланаётган ошхона мебеллари кўриниши ва қулайлиги билан ҳар бир харидор талабини қондиради.

Ҳажимжон Солихов олган суратлар

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИШ ДОМО БЎЛУР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Нодон пандида галат муқаррардир Ва душман насихатида фириб мутасаввар. Нодон томонидан бўладиган маслаҳатда хато бўлиши муқаррардир ва душман насихатида алдамчилик бўлиши аниқ.

Нафс амрида ҳар нечаким, толпингасен, Кўп гарчи бутунлик тиласанг сингасен. Нафсинг ихтиёрига кириб, ҳар қанча бутунлик талаб этсанг ҳам синасан.

Нафскам ул айши мудом истагай, Сенга гунаҳ, ўзига ком истагай. Нафсқа гунаҳ, тинимсиз маишатни истаиди. Лекин унинг бу иши ўзини шодлатиш, сенга алам етказишга элтади.

Нақдни гулдек доғи совурмагил, Ғунча каби доғи ғирех урмоғил. Нақдни (давлатни, пулни, молни) гулга ўхшаш совуриб ҳам юборма, ғунчага ўхшаш уни тугиб ҳам қўйма.

Наҳла дехтон чу берур парвариш, Бўлур анга меваю гул бермоқ иш.

Дарахтларнинг мева бериши богбоннинг тарбиясига боғлиқдир.

Не андоза ғам, не ҳадсиз сурур, Керак ишда ойини хайр ул-умур.

Турмушда киши ўзини йўқотарлик даражада севинчи тўтиш ярамаганидек, қайғуриш ҳам янглишдир. Бу ишларда ўрта бир даражани сақлаш зарур.

Не бўлғусидур аҳли тажаҳул қадрни, Ё зумраи аъвду тақосул қадрни. Илмсизлар қадрни нима бўлади-ю, дангаса танбаллар тўдасининг қадрни нима бўлади?

Неча маразгаки, эрур суд қанд, Не чага ҳам захр эрур судманд. Қанд бир неча касалликларга фойда келтирувчи бўлса, захр ҳам айрим иллатларга даводир.

Неча зарурат аро қолган чоғи, Чин демас эрсанг, дема ёлгон доғи. Жуда зарур бўлган жойда ҳам ростини айтмас экансан, ёлгон ҳам сўзламагил.

Нединким, сафарга киши урса гом, Тарадуд эрур мужиб эҳтизом. Кишининг юриши, ҳаракати таомни ҳазм қилишга сабабчидир.

Неча бўлса ёлгончи эл аржуманд, Сўзи анжуман ичрадир нопсанд. Ёлгончи киши ҳар қанча ҳурматлик бўлса ҳам, суҳбатда сўзи номаъқулдир.

Неча тифл қилса пулаб хиралик, Қачон шамъи анжум топор тиралик? Ёш болалар юлдуз чирогини қанча пуфласалар ҳам, ўчирилмайдилар.

Неча ганж ичра бўлса гавҳару дур, Кўрки, бордур анинг қалиди темер. Қуфл очарда гадоу сохиби тож, Тенг бўлурлар қалидга муҳтож.

Хазинада дуру гавҳарларнинг ҳаммасининг очкичи темир қалитдир. Бу хазинани очишда шоҳу гадо ҳам шу темир қалитга муҳтож.

Неча самар сочмоқ эса шоҳ иши, Кўпроқ отар тош анга терган киши. Дарахтнинг шоҳи қанча кўп мева қилган бўлса, унга шунча кўп тош отилади.

Нечаки ҳақ лутфидин ўлди зафар, Саъйини ҳам бил сабаби муътабар. Ғалаба ҳар қанча Ҳақ лутфи билан муяссар бўлмасин, (кишиларнинг) саъй-ҳаракатини ҳам асосий сабаблардан деб бил.

Не феълики, келди бировдин ёмон, Ёмонлик кўрардин анга йўқ омон. Ёмонлик қилувчилар ўзлари ҳам ёмонлик кўрадилар.

Не ишким, шах топиб андин навое Вале юз қатла ор этгай гадое. Шоҳ баҳра толган кўп ишлардан гадо юз марта ор қилади.

Не кушким, баланд ўлса парвоз анга, Ҳалок истамас новакандоз анга. Баланд учган қушларни овчи овлашни ўйламайди.

Не кушким, бўлса ҳимматдин қаноти, Эмас паст ошёнга илтифоти. Қаноти ҳимматдан иборат бўлган қушнинг паст уяга майли бўлмайди.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



СИЗ ҲАМИША ЭЪЗОЗДАСИЗ

ГЎЗАЛ ВА НУРАФШОН ЎЛКАМИЗДА БАҲОР НАФАСИ УФУРМОҚДА. ТАБИАТ УЙҒОНИБ ФАСЛИ НАВБАҲОРНИ ҚАРШИЛАМОҚДА. МАНА ШУНДАЙ НАФОСАТ, ЯШАРИШ, ЯНГИЛАНИШ ФАСЛИДА АЗИЗ ВА МУҲТАРАМА АЁЛЛАР, ОНАЛАРИМИЗ, ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗНИНГ ҲАМ МУВОРАК АЙЁМЛАРИ НИШОНЛАНМОҚДА.

8 Март—Халқаро хотин-қизлар кўмиталарининг Фахрий ёрликлари топширилди. Кечада Миробод туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Нарғиза Пулатова, туман «Нуроний» жамғармаси раиси Ботир Усмонов, Тошкент Давлат шарқшунослик институти хотин-қизлар кенгаши раиси Саида Аъзамжўаевалар сўзга чиқиб йиғилганларни баҳор айёми ва хотин-қизлар байрами билан қутладилар.

ларнинг диллари чоғ бўлди. Шодиёна кечада куй-қўшиққа улашиб, йиғилганлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Гулбаҳор Сулаймонова, Олимжон Орифжонов ва туман маданият уйи бадийи ҳаваскорлари ижросидаги баҳор, она ҳақидаги қўшиқлардан баҳраманд бўлиб, рақсга тушдилар.

Туманимизда 8 Март—Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан қўллаб-таътирлар ташкил этдик, — дейди Миробод туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Нарғиза Пулатова. — Маҳалларда, тиббиёт муассасаларида аёллар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди. Фахрий аёллар, олимпиадалар билан учрашув кечалари, шунингдек, ҳар бир маҳаллада байрам тадбирлари, «Маҳалланинг энг намунали қизи» кўрик-танлови, умумтаълим мактабларида, коллежларда «Ус-

тозим дерман онам» мавзусида иншолар танлови, Тошкент Давлат шарқшунослик институтида эса илмий-адабий конференция ташкил этилди. Байрам арафасида туман «Нуроний», «Соғлом авлод» ҳамда «Маҳалла» жамғармалари томонидан туманда истиқомат қилувчи юз билан юзлашган ва 80 ёшдан ошган нуроний онахонларнинг уйларига бориб байрам совғалари топширилди.

Шу кунги байрам тадбирига йиғилган онахонлар, опа-сингилларимиз дилдан яраб ўйнашди. Қалблари баҳорий кайфият билан қувончу шодликка тўлди.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: Миробод туманида бўлиб ўтган байрам тадбиридан лавҳалар.

Наталья Семёнова олган суратлар

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР! «Тошкент оқшом» газетасининг 2007 йил 9 февраль сониди берилган эълон бўйича савдо кунларига ўзгартиришлар киритилиши сабабли 14, 28 март кунлари 13, 20, 27 март деб ўқилсин! Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, М-14, 19-уй, (2-қават) Телефон: 144-88-04 Гувоннома: № 001568-09

Ўзбек Давлат циркида 2007 йил 17 март соат 18-00 да, 18 март соат 14-00 да ва 18-00 да «Ассалом, Наврўз» деб номланган катта байрам концерти бўлиб ўтади. Концертда: Шўхрат Қаюмов Ўзбекистон халқ эстрада хонандалари: артисти: Анвара Собиров Ғулломжон Ёқубов Дилшод Раҳмонов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар: Хосила Раҳимова Оғабек Собиров Отабек Мухаммадзо Гулсанам Мамазоитова хид Равшан Комилов Шахнозабону иштирок Собиржон Мўминов этадилар. Касса соат 9-00дан ишлайди. Телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-29-04, 144-32-23.

Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 27 март кунини соат 11:00да Ўзбекистон банклари Ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулкни қўймоқда.

Тошкент шаҳар Яққасарой тумани суд ижрочилари бўлинимаси томонидан 2005 йил 16 сентябрдаги 2-211/05-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани «Сёбзор» автомашина майдончасида сақланаётган, дав.рак.11М93-06 бўлган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ-2106» русумли автотранспорт воситаси (давг.№7124416, кузов №ХТА21060000694900). Бошлангич баҳоси-745 358 сўм 10 тиийн.

Қизилқиш билдирган харидорлар ушбу мулкларни суд ижрочилари бўлинимаси вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриши мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошлангич баҳосининг 10 фоиз миқдоридан зақалат пулини «Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альянс» минибанкдаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-хисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Ҳужаев кўч. 1-уй. тел. 138-69-94, 138-69-93.

ШУНИНГДЕК

Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПК-458-сонли қарори асосида, 2007 йилнинг февраль ойида ташкил этган аукцион савдолари натижасида, 1984й.и.ч. д/р. 11Q26-74 бўлган ГАЗ-24 автотранспорти 1200000 сўмга, 1981й.и.ч. д/р. 30I57-98 бўлган ГАЗ-24 автотранспорти 469200 сўмга, 1983й.и.ч. д/р. 11F49-11 бўлган ГАЗ-24 автотранспорти 304500 сўмга, 1999й.и.ч. д/р. 10AF041 бўлган ДАМАС автотранспорти 7534750 сўмга, 1992й.и.ч. АУДИ-80 автотранспорти 721300 сўмга, 1982й.и.ч. д/р. 30K88-01 бўлган ВАЗ-21061 автотранспорти 780000 сўмга, 1984й.и.ч. д/р. 30P60-37 бўлган ВАЗ-21061 автотранспорти 2300000 сўмга, 1979й.и.ч. д/р. 30K98-23 бўлган Москвич-412 автотранспорти 336000 сўмга, 1979й.и.ч. д/р. 10W59-01 бўлган Москвич-412 автотранспорти 336000 сўмга, 1979й.и.ч. д/р. 30B09-15 бўлган ЗИЛ-1309-138 автотранспорти 1400000 сўмга, 1985й.и.ч. д/р. 11034-93 бўлган ВАЗ-21013 автотранспорти 363000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Тошкентликлар диққатига!

2007-2008 йилги иситиш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида, 2007 йилнинг 22 мартдан 2 апрелгача Тошкент шаҳрида қувурлардан фойдаланиш бўйича гидравлик хусусиятлари кўрсаткичларини аниқлашга доир ва иссиқлик тармоқлари ва иссиқ сувнинг энг юқори ҳарорати синовлари ўтказилади.

2-ИМ (26 март) ва 10-ИМ (2 апрел)нинг таъсир доираларидаги қуйидаги манзилларда иссиқлик ва иссиқ сув бўлмайд:

2-ИМ 26 март кунини — Т.Малик, Иркут, Матқобулов, акад. Х.Абдуллаев, Кодиров, Ш. Бурхонов кўчалари, Қорасув-1,2,3,4,6, Ҳумоюн, Бўз-2 (Черданцев-2), Феруза турар жой мавзелари, Геофизиклар қўргони.

10-ИМ 2 апрель кунини — Форобий, Беруний, Мухбир, Мирзо Ғолиб, Чимбой, Қамарнисо кўчалари, Шифокорлар шаҳарчаси, Талабалар шаҳарчаси, Чимбой, Жарарик, Қорақамиш -2/2,2/3,2/4,2/5, Тансиқбоев-1,2,3, ТошДУ-ТошТУ, Олимпия, Ибн Сино -1,2, Белтепа турар жой мавзелари.

2007 йил 22 мартдан 29 мартга қадар иссиқлик тармоқларининг энг юқори ҳароратга синовлари ўтказилади, шу сабабли иссиқ сув энг юқори ҳарорат билан берилган вақтда истеъмолчилар иссиқ сув таъминотини ўчириб қўйишлари лозим. Болалар боғчалари, уйлари, ўқув ва даволаш муассасаларида иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти тўлиқ ўчириб қўйилади.

6-ИМ 22 март кунини — Мунис, У.Олимбеков, Бехтерев, Янги Замон, А.Фитрат кўчалари, Қўйлик -1,2,3,4,5,6,7, Қўйлик-айланма Ҳалқа йўли турар жой мавзелари.

9-ИМ 22 март кунини — Чилонзор мавзеси 13 дан 15 гача, 21 дан 24 гача, 30, 31-дахалари, Қизил Шарқ, Ал-Хоразмий-1,2, Бешқайрағоч, Гулистон турар жой мавзелари, Х. Турсункулов, Раҳимбоев, Ширин, Лутфий кўчалари.

«Водник» қозонхонаси 23 март кунини — Водник турар жой худуди, Х.Бойқара кўчаси.

7-ИМ 27 март кунини — Лисунов, Шолохов, Бирлашган, Слоним, Элбек, Қурувчилар кўчалари, Ғалабанинг 40-йиллиги — 1,2,3,4, 1-УҚҚ, Слоним-1,2 турар жой мавзелари, «Авиақурувчилар» шаҳарчаси мавзеси.

8-ИМ 27 март кунини — Сергели-1-8а, Спутник-8,15,16,17, Дўстлик-1,2 турар жой мавзелари.

10-ИМ 28 март кунини — Форобий, Беруний, Мухбир, Мирзо Ғолиб, Чимбой, Қамарнисо кўчалари, Шифокорлар шаҳарчаси, Талабалар шаҳарчаси, Чимбой, Жарарик, Қорақамиш-2/2,2/3,2/4,2/5, Тансиқбоев-1,2,3, ТошДУ-ТошТУ, Олимпия, Ибн Сино-1,2, Белтепа турар жой мавзелари.

ИЭМ (М-0) 28 март кунини — Бобур, У.Носир, С.Мираҳмедов, Арнасой, Ш.Исломов, Афросиёб, Муқимий, Аския, Чўпон ота кўчалари, Шаҳрисабз, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, Ц-7, Чилонзор мавзеси 1,2,3,4,5,Е,И-дахалари.

ИЭМ (М-5,8) 29 март кунини — Бобур, Глинка, А. Темур, Афросиёб, А.Тўқай, Нукус, Мовароуннаҳр, Лоҳутий, Т.Шевченко, Шаҳрисабз, С. Толипов, Х.Умаров кўчалари, Ц-1,Ц-2,Ц-4,Ц-5, Қушбеги, Бошлик, «Учувчилар шаҳарчаси» турар жой мавзелари.

Қувурларда носозликлар бўлиши мумкинлиги ҳақида Сизни огоҳлантириб қўйишни ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз. Йўл ва кўчаларнинг қатнов қисмига ва йўловчилар йўлқаларига иссиқ сув сачраши, тошиши эҳтимоли мавжуд, ҳайдовчилар ва пиёдалардан, маъмурий ва турар жой биноларида бўлган одамлардан эҳтиёт бўлишлари талаб этилади.

Вақтинча ноқулайликлар учун бизни тушунасиз деб умид қиламиз. Ноодатий ҳолатларни сезишингиз билан 361-32-32 телефонига кўнгирок қилишингизни сўраймиз.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ очик аукцион савдоларига таклиф этади.

2007 йил 10 апрел кунини соат 11:00да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, М.Уразбоев кўчаси, 1-а уй, Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) биносининг савдолар залида бошлангич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига М.Улуғбек тумани суд ижрочилари бўлинимаси томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

Суд қарорларини ижро этиш Департаментининг Миробод тумани суд ижрочилари томонидан тақдим этилган, тегишли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази омборхонасида сақланаётган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 19 J 7887 бўлган «ТИКО» русумли автотранспорт воситаси.

Бошлангич баҳоси — 2 545 760 сўм. 2007 йил 10 апрелдаги аукцион савдоларида сотилмасан тақдирда автотранспорт воситаси 2007 йилнинг 12, 17, 19, 24, 26 апрел, 1, 3, 8, 10, 15, 17, 22, 24, 29, 31 май ва 1, 5, 7 июнь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларида сав-

доси давом этирилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар (юридик ва jisмоний шахслар) объект бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлган миқдорда зақалат пулини РКМБнинг: АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО: 00425, ИНН 200933850; 20210000700571452062 хисоб рақамига тўлашлари шарт. Телефонлар: 399-79-52, 399-84-48, 144-44-73. Интернетдаги сайтими: www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Буюртма Г- 206

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 4398 нусxada босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. «Шарқ» нашрий-матбос акциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1234 6